

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 174 (174), 2020 йил 11 сентябрь, жума



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



Нуқтаи назар

МИЛЛАТ САРДОРНИНГ МУРОЖААТИ ЮРАКЛАРИМИЗДА АКС САДО БЕРДИ



Ханим Йўлдошев олган сурат.



**Содиқ САФОЕВ,
Олий Мажлис Сенати Раисининг
биринчи ўринбосари**

Миллат тақдири ҳал этилаётган бир вақтда, айнан халқ ичидан юксак масъулиятни ўз зиммасига оладиган жамият етакчиси, сарбони пайдо бўлади. Айнан улар халқнинг бошини қовуштириб, оғир, мураккаб қарорларни қабул қилиш ва уларни қанчалик мушкул бўлмасин, ижросини таъминлаш вазифасини ўз зиммаларига олмоқлари лозим. Бу эса миллат сардоридан қаҳрамонлик, чуқур идрок, сиёсий ирода, мардликни талаб этади.

Бугунги кунда бутун дунёда авж олган пандемия билан боғлиқ ҳо-дисаларни таҳлил қиларканман, доимо ўйлайманки, агар ўз вақтида давлат бошқарув тизими тубдан та-комиллаштирилмаганида, ҳудудлар

раҳбарларига янги ваколатлар бе-рилмаганида, парламент, фуқаролик жамияти, оммавий ахборот восита-лари роли бу қадар кучайтирилма-ганида, иқтисодий ислохотлар бош-ланмаганида, инсон ҳуқуқларини

қафолатлашга янгича ёндашув бўл-маганида ва батамом янги ташки сиёсат олиб борилмаганида, бугун-ги кунда мамлакатимиздаги вазият ниҳоятда оғир бўлар эди.

▶ Давоми 2-бетда

Таҳлил ва таққос

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ЮҚОРИ ҲОСИЛ ГАРОВИ

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи**

Қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш учун сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш зарур. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб ҳисобланган ҳозирги шароитда ушбу вазифаларни барча ҳудудларда комплекс амалга ошириш талаб этилмоқда.

— Давлатимиз раҳбари яқинда имзо чеккан “Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ана шу жиҳатдан ҳам алоҳида аҳамият касб этади, — дейди сув хўжалиги вазири Шавкат Ҳамроев. — Замонавий фан-техника ютуқларини, инновацион технологияларни жорий этиш устувор вазифалардан биридир. Бу борада Жиззах ва Сирдарё вилоятларида орттирилган тажриба бошқа ҳудудларда ҳам ирригация ва мелиорация ишларини йўлга қўйишда қўл келади ва жорий этилади.

Сўнгги уч йил мобайнида ирригацияни ривожлантириш ва сугориладиган ерларнинг

мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурлари доирасида Жиззах ва Сирдарё вилоятларида 170,4 километр канал, 145,2 километр лоток, 734 километр коллектор-дренаж тармоқлари, 33 та гидротехника иншооти ҳамда бошқа сув хўжалиги объектлари қурилди ва реконструкция қилинди. Натижада 104 минг гектардан ортиқ сугориладиган ернинг сув таъминоти яхшиланди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 15,6 минг гектарга камайди, сизот сувлар сатҳи ер юзасига яқин жойлашган майдонлар 28,6 минг гектарга қисқарди, 85 минг гектардан ортиқ майдоннинг мелиоратив ҳолатини барқарор сақлашга эришилди.

Шунга қарамай, мазкур вилоятларда 93,4 минг гектар сугориладиган ерларнинг сув таъминоти паст

даражада қолмоқда, 109 минг гектар майдон ўртача ва кучли шўрланган.

— Ушбу ҳужжатга биноан, 2020-2023 йилларда Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш бўйича манзилли рўйхатлар ҳам тасдиқланди, — дейди Шавкат Ҳамроев. — Бунда иккала вилоят бўйича 128 та лойиҳа доирасида 445,8 километр канал ва сугориш тармоқлари, 262 километр лотоклар қурилади ва реконструкция қилинади. 94 та мелиорация объектида қуриш ва реконструкция қилиш, 10 140 километрни қамраб олган ана шундай иншоотларда таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилади.

Жорий йилда мазкур мақсадлар учун жами 341,4 миллиард сўм ажратилган бўлса, қарорда белгиланган вазифаларни бажаришга давлат бюджетидан 2021 йилда — 391,4, 2022 йилда — 330,7, 2023 йилда 325,2 миллиард сўм ажратиб бориш талаб этилади. Маҳаллий бюджетлардан ҳам тегишли маблағлар йўналтирилиши кўзда тутилган.

▶ Давоми 4-бетда

Ҳудудлар: ислохотлар самараси

Ҳаётни, дунёни, яшаш тарзини ўзгаришга, янгилайдиган воқеа-ҳодисалар ҳар куни ҳам юз беравермайди. Истиқлолнинг буюк неъматини шуки, у одамларнинг онгу тафаккурини янгилади, ён-атрофда кечаётган ўзгаришларга дахлдорлик туйғусини шакллантирди. Шу боис, юртимизнинг қай гўшасига борманг, Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган ислохотлар меваси — ободлик, бунёдкорлик, фаровонликка, одамларнинг бутунидан розилиги ва эртасидан кўнгли тўқлигига гувоҳ бўласиз.



Ханим Йўлдошев олган сурат.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ: БУГУНИДАН РОЗИ ВА ЭРТАСИГА ИШОНЧИ МУСТАҲКАМ ХАЛҚ

Қашқадарё вилоятида сўнгги йилларда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, ислохотларнинг одамлар ҳаётида акс этаётгани, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида пресс-тур ташкил этилди. Бир неча кун аввал Қарши шаҳрига Хитойдан 30 та “Golden Dragon”, Самарқанддан 50 та “Isuzu” русумли автобус келтирилгани улғу айёмга муносиб тўхфа бўлди. Бир гуруҳ журналистлар, зиёлилар ва ижодкорларнинг воҳа

бўйлаб саёҳати ана шундай замонавий автобусларда ташкил этилди.

Саёҳатимиз Қарши шаҳрида қад ростилаётган “Qarshi city” мавзесидан бошланди. Шаҳарнинг “Наво” маҳалласида бўш турган 22 гектар майдонда 320 хонадонга мўлжалланган 16 қаватли уй-жойлар қурилмоқда. “Qarshi City” ҳудудида 1 та мактаб, 2 та мактабгача таълим ташкилоти, театр, савдо мажмуалари ва бошқа ижтимоий соҳа объектлари барпо этилиши режалаштирилган.

— Вилоятимизда 2017–2020 йиллар мобайнида 5 минг 308 та арзон уй-жойлар барпо қилинди, — дейди вилоят ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари котибияти бош мутахассиси Шердил Эргашов. — Шунингдек, “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси томонидан 1140 хонадондан иборат 45 та 4 қаватли, 2 та 5 қаватли уй-жой қуриб битказилмоқда.

▶ Давоми 5-бетда

Нуқтаи назар

МИЛЛАТ САРДОРНИНГ МУРОЖААТИ ЮРАКЛАРИМИЗДА АКС САДО БЕРДИ

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг бутун дунёдаги қиёфаси ўзгарди. Янги Ўзбекистон пайдо бўлди. Юртимизнинг обрўси бугун мисли кўрилмаган даражада юксалди.

Бошланиши 1-бетда

Ислохотлар ҳосиласи ўлароқ, бугунги кунда шаффофлик ҳамда ҳисобдорлик ҳокимиятнинг барча даражасига хос бўлмоқда. Унинг негизида вазиятга кўрмасдан ҳолисона қараш, муаммоларни беркитмасдан, уларни ҳал қилиш йўллари излаш, топиш ва ечишга интилиш мужассам. Шу жиҳатдан бугун бизнинг сиёсатимизга довораклик хос бўлмоқда. Кўп йиллар мобайнида давом этган реал вазиятни очик айтишдан кўрқиб сиёсатига барҳам берилди. Бунинг дунё ҳамжамияти ҳам тан олмоқда, асосийси, ҳалқимиз ҳам бу сиёсатни қўллаб-қувватламоқда.

Бу борада америкалик машҳур сиёсий арбоб Франклин Делано Рузвельт сўзларидан иқтибос келтирмоқчиман. АҚШ чуқур инқирозга тушган ва янги иқтисодий сиёсатни бошлаган бир пайтда у шундай муҳим сўзларни айтган эди: “Биз фақат бир нарсадан кўрқимиз керак, у ҳам бўлса, кўрқикдан”.

Бу сўзларни биз бугунги ҳаётимизга ҳам татбиқ қилишимиз мумкин. Сўнгги йилларда олиб борилаётган ислохотлар айнан шу доворакликка хос бўлди.

Хусусан, тиббиёт тизими, унинг камчиликлари ҳақида биз кўп гапиримиз. Унга хос муаммолар таҳлил қилинмоқда. Лекин шуни эслашимиз кераки, Президентимиз бошлаб берган ислохотларнинг биринчи кунидеёқ, тиббиёт тизими бугунги кун талабларига жавоб бермаётганлиги, уни тубдан ислох қилишимиз кераклиги ҳақида гапирилди ва бу



борада бир неча дастурлар амалга оширилди.

Бугун Ўзбекистонда коронавирусга қарши кураш бошқа давлатларга нисбатан бирмунча муваффақиятли кечаётгани ҳам кейинги уч йил давомида олиб борилаётган кенг қўламли тадбирларнинг натижасидир. Масалан, мамлакатимизда охириги уч йил мобайнида фуқаролик жамияти пайдо бўлди. Ижтимоий ҳамкорлик, инқирозга қарши чоралар умумий миллий протоколини яратиш учун имкониятлар ишга солинди.

Пандемия даврида фуқаролик жамияти вакиллари фаол бўлиб, бевосита иштирок этиб, аҳолини хабардор қилиш ва уни жалб этишга катта улуш қўшди. Бунда, жумладан, оммавий ахборот воситаларининг ҳам роли катта бўлди. Ўйлайманки,

экспорти жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 9 миллиард долларни ташкил қилди. Бу ниҳоятда катта кўрсаткич, ҳаттоки илгари, яъни шароит меъёрий ҳолатда бўлган йилларда ҳам бундай натижага эришилмаган эди.

Биргина саноат соҳасига умумий қиймати 11 миллиард бўлган лойиҳалар ишга туширилди, яъни инвестициялар ўзлаштирилди. Шу жумладан, халқаро аҳамиятга эга бўлган, энг етуқ технологияларни ўзига қамраб олган янги Тошкент металлургия заводи оладиган бўлсак, бу, пандемия шароитида амалга оширилган муҳим иқтисодий ютуқларни ҳам кўрсатади.

Илгари мамлакатимиз фақат пахта хомашёсини сотиб, йилига энг кўпи билан бир миллиард доллар даромад қилган бўлса, бугунги кунга келиб, биз енгил саноат маҳсулотлари экспортдан уч миллиард доллар даромад қилишимиз. Яқин келажада бу кўрсаткич етти миллиард долларга қадар ортиши кутилмоқда.

Мустақиллик тантаналари арафасида ҳаммамиз гувоҳ бўлди, пойтахтимиз Тошкентда янги метро линияларининг очилиши, янги технопаркларнинг ишга туширилиши — мамлакатимизда бошидан кўйилган асосий масала — ҳам одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, ҳам иқтисодиётимизнинг кулашига йўл қўймаслик сиёсати муваффақиятли олиб бориладиган далолатдир.



Музаффар Абдул্লাев олган сурат.

олмаймиз. Бугун ҳаммамизга шу нарсаваришан бўлиши кераки, ҳам сенаторлар, ҳам депутатларнинг биринчи вазифаси жамиятимизда вакиллик органларининг тутган ўрнини барча жабҳада янги поғонага кўтаришдан иборатдир.

Шахсан мен учун жамиятимиз, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишда, илгари суришда ва олдимизга қўйган мақсадларга эришишимизда ташқи сиёсат, ташқи иқтисодий алоқалар роли ниҳоятда катта. Умуман, Ренессанс, Ўйғониш даври ҳақида гапирар эканмиз, учинчи Ренессанснинг олдимизга мақсад сифатида қўйган эканмиз, бир нарсани ёдда тутишимиз кераки, бу даврларга олиб келувчи ҳамда унинг муваффақиятини таъминловчи ўзининг омиллари бор. Улардан бири очиклик ва ташқи алоқаларнинг кенг қамровлиги. Айнан узоқ масофали савдо Марказий Осиёнинг юксалишида ҳамда гуллаб-яшнашида катта роль ўйнайди. Мана шундай халқаро савдонинг бугунги сифатида йўқолишимиз Ўрта асрларда мамлакатимизнинг қолоқ бир дийёрга айланишига сабаб бўлган.

Бугун янгиланган Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати айнан очиклик ва ташқи алоқаларнинг ҳамма йўналишида, Фарбу Шарқ, Жанубу Шимоли, барчасини бирдек ривожлантиришга қаратилган бежиз эмас.



Самарқандда зарб этилган дирҳам тангаси бутун Европа ва Яқин Шарқ мамлакатларидаги муомалада бўлган пул маблағларининг учдан бирини ташкил этган. Ҳатто скандинавиялик викинглар ҳам ўзларининг улушларини сомонийлар даврида зарб этилган дирҳамларга алмаштиришга ҳаракат қилган. Яъни бугун бутун дунёда АҚШ доллари қандай роль ўйнаган бўлса, айнан Самарқанд дирҳами ўша пайтда кучли қийматга эга бўлган. Бунинг замирида ўша давлатнинг мактеби, потенциали, унга бўлган ишонч, унинг иқтисодий салоҳияти ва қуввати намоёндр.

Биз ҳаммамиз бугун ўзимиз учун хулоса қилишимиз керак, ўз олдимизга савол қўйишимиз жоизки, Президентимиз томонидан илгари сурилган гоялар, улугвор мақсадлар биздан нимани талаб қилади? Чунки бу ишларни ҳар биримиз ўз жойимизда, ўз жамоамизда амалга оширишимиз зарур. Ўйлайманки, биринчи навбатда, биз, парламент вакиллари мамлакатда парламент родини янада юксалтиришимиз, нафақат марказ, балки ҳудудларда ҳам маҳаллий Кенгашларнинг родини ошириш билан машғул бўлишимиз керак. Чунки бу биз учун ҳал қилувчи масаладир. Қандай муаммо бўлмасин, бу иқтисодий юксалишга оидми, таълим тизимини такомиллаштиришга алоқадорми, коррупцияга қарши кураш масаласи бўладими, буларнинг барчаси, аввало, қонунарга боғлиқ. Қонуларни, қонун ижодкорлиги жараёнларини яхшиламасдан туриб, жамиятимиз олдида турган мақсадларга эриша

“

Президентимизнинг маърузасини ҳаммамиз диққат билан эшитдик. Менинг юрагимга қадар етиб келган бир жиҳати шу бўлдики, бизда “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” даъваткор гоя илгари сурилди. Бунда ниҳоятда чуқур маъно бор. Миллий тикланиш, ўзлигимизни англаш, миллий давлатчилигимизнинг асосларини барпо қилиш даври ўтди, бу масалалар олдинги 29 йил мобайнида муваффақиятли амалга оширилди. Энди миллий юксалиш — Ўзбекистоннинг энг ривожланган давлатлар қаторида бўлиши масаласи қўйилмоқда. Бу фақатгина широк ёки умумий даъват эмас, бунинг аниқ йўналишлари ҳам кўрсатилди. Шу жумладан, Ўзбекистонда учинчи Ренессанс, яъни янги Ўйғониш даври деган улугвор мақсад илгари сурилди.

эди. Ҳозирги кунда уларни ўзлаштириш дастурлари амалга оширилмоқда.

Бу катта маблағ, албатта. Унинг етти юз миллиони ишбилармон доиралар ва банклари қўллаб-қувватлашга қаратилди. Ишбилармонлар кимлар? Иш ўрнини яратётганлар, одамларнинг ойлики маошини тўлаётганлардир. Бу маблағлар янги ишлаб чиқаришларни кенгайтиришга қаратилди. 300 миллиони коммунал хўжалик ҳаракатининг узлуқсизлигини таъминлашга



Эътибор беринг, пандемия шароитида юртимизга энг яқин дўстларимиз томонидан халқаро кўмак ҳамда ёрдам кўлами кенг бўлди. Бизга берилган ёрдам, биринчи навбатда, халқаро молиявий ташкилотлардан келган молиявий маблағлар билан боғлиқ. Бу борада биз бир нарсани билишимиз керак. Кредитлар ҳаммага ҳам берилмайди. У фақат ишонч қозонган ва обрўси, нуфузи катта бўлган давлатларга берилади. Айнан пандемия даврида мамлакатимиз қарийб 3 миллиард долларлик имтиёзли кредит ҳамда грантларни жалб

йўналтирилди. Булар нимадан далолат беради? Олинган маблағлар бежиз сарфланаётгани йўқ. Аввало, халқимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилган.

Биз бундан буён ҳам Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларини янада ривожлантириш ва халқаро миқёсда ўзимизнинг миллий манфаатларимизни илгари суришга қаратилган сиёсатимизни изчил давом эттирамиз.

Шу халқнинг фарзанди сифатида бу ҳар биримизнинг бурчимиздир.



ҲОСИЛНИНГ СИФАТИ ВА САЛМОҒИ

Абдужалил НАРИМОНОВ,
Генетика ва ўсимликлар
экспериментал биологияси
институтининг директори,
қишлоқ хўжалиги фанлари
доктори, профессор

Мамлакатимизда кейинги йиллардаги ислохотлар натижасида пахтачилик-тўқимачилик агрокластерлари сонини кўпайиб бормоқда. Кластерлар ғўза навларининг ихтиёрий танлаб олишдан ташқари, маҳсулотни қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган яримтайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконига эга.

Институтимиз олимлари кўп йиллардан бери замон талабларига мос ўрта ва ингичка толали ғўза навларини яратиш борасида илмий-амалий изланишлар олиб бормоқда. Ана шу изланишлар натижаси ўлароқ, ўрта толали жуذا кўплаб ғўза навлари яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Ҳозир юртимизнинг турли ҳудудда пахтанинг патентлаштирилган ўрта толали "АН-Боёвут-2", "Келажак", "УзФА-705", "Беш қаҳрамон", "Юксалиш", "УзФА-703", "Зафар", "Замин" ва бошқа навлари экилмоқда. Улар қимматли хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичига эга бўлиш билан бирга, касаллик ва зараркундаларга ҳам чидамли. Кўплаб янги навлар давлат нав синовидан муваффақиятли ўтмоқда ва уруғчилиги йўлга қўйилмоқда.

Дунё миқёсида глобал иқлим ўзгариши натижасида сув танқис ҳудудлар кенгаймоқда. Мамлакатимизда сув танқислиги ўткир экологик муаммолардан бири эканини инкор этолмаймиз. У қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилининг салмоғи ва сифатига жиддий зарар етказадиган энг асосий омилдир. Шу боис, бугунги давр маҳаллий шароитга мос ва чидамли навларни яратишни тақозо этияпти. Институтимизда турлараро ва тур ичида дурағайлаш ишларини

бажариш натижасида қурғоқчиликка чидамли ўрта толали ғўза навлари кашф этилди ва экишга жорий қилинди. "Навбахор-2", "Гулбахор-2", "Садаф", "Гулшан", "Ишонч", "Афсона" навлари шулар жумласидандир. Юртимизда пахтачилик юқори рентабелли соҳага айланиб бормоқда. Бу борада янада юқори иқтисодий самарадорликка эришиш учун жаҳон пахта бозорига толаси G.hirsutum L. турига мансуб ўрта толали ғўза навларига нисбатан 1,5-2 марта қиммат баҳоланадиган ва бир тонна толасидан нисбатан кўп газлама олинадиган G.barbadense L. турига мансуб ингичка толали ғўза навлари экин майдонларини кенгайтириш зарур. Ингичка толали ғўза ўзининг биологик хусусиятларига кўра, ўрта толали ғўзига нисбатан ҳарорат, ёруғлик, сув ва минерал ўғитларни кўп талаб қилади. Шу билан бирга, касалликлар ва қурғоқчиликка нисбатан чидамли ҳисобланади.

Ўтган асрда катта майдонларга экилган ингичка толали ғўза навлари асримизнинг бошидан то 2017 йилга қадар деярли экилмади. Президентимиз 2016 йил кузидан Сурхондарё вилоятига ташириш чоғида вилот пахтакорлари, мутахассислари ва раҳбарларининг ингичка толали ғўза етиштириши қайта тиклаш борасидаги илтимосини инобатга олди. 2016 йил 1 ноябрда Вазирлар Маҳкамаси "Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалиги экин майдонлари таркибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди. Қарорда 2017 йилдан бошлаб Сурхондарё вилоятида ингичка толали ғўза навлари экин майдонларини кенгайтириш, улар уруғчилигини йўлга қўйиш белгиланган эди. 2020 йилдан эса мамлакатимизнинг жанубий ҳудудига кирувчи Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳам ингичка толали ғўза навлари экила бошланди.

Пахтачилик-тўқимачилик кластерлари яримтайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилгани боис, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотларни тайёрлаш учун тола сифати ҳам юқори бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан, юқори сифатли толага эга бўлган ингичка толали ғўза навларини мамлакатимизнинг нафақат жанубий вилоятларидан, балки ўрта ҳудудларига кирувчи вилоятларда ҳам етиштириш ман-

тикан тўғри бўлади. Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг олимлари ингичка толали ғўза навларини яратиш борасида кўп йиллардан бери илмий-амалий изланишлар олиб боради. Бу саъй-ҳаракатлар ҳатто юртимизда ингичка толали навлар экилмаган йилларда ҳам давом этди. Натижада ингичка толали ғўзанинг ўзига хос ноёб белги ва хусусиятларига эга қатор навлари олинди ва экилди. Улардан бири ёпиқ гулладиган "Клейстога-1" нави бўлиб, у юқори сифатли тола беришдан ташқари, гуллаш жараёнининг ёпиқ, гул япроқлари очилмай кечиши четдан чангланмиш, яъни биологик ифлосланишнинг олдини олиш имконини беради. Бу навдан ишлаб чиқаришдан ташқари, клейстогамлик хусусиятини бошқа навларга ўтказишда ноёб донор сифатида фойдаланса ҳам бўлади.

Ингичка толали ғўзанинг йирик кўсакли ssp. fitifolium кенжа турини маданий "Қарши-8" нави билан частиштириб, дурағай авлодида кўп йиллик аққа танлаш асосида тола сифати юқори бўлган "Ангор" ғўза нави яратилди ва амалиётга жорий этилди. Ҳозир бу нав Сурхондарёда кўпайтирилмоқда ва экин майдонларини янада кенгайтириш учун уруғчилик ишлари олиб боришмоқда.

Ҳосилдорлик ва тезлишарлик бўйича генетик имконияти юқори бўлган маҳаллий ингичка толали "Сурхон-9" ва "Термиз-32" ғўза навларини ўзаро частиштириш ҳамда дурағай авлодида селекция ишлари ўтказиш натижасида толасининг сифати, чиқими, кўсакларининг очилиш жадаллиги юқори бўлган, нисбатан йирик кўсакли "Марварид" нави олинди. 2019 йилда Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани ҳудудига жойлашган "Bek klaster" МЧЖнинг бир гектар экин майдонида синаб кўрилди. Агар 2020 йилда ҳам тажриба яхши натижа берса, мамлакатимизнинг ўрта ҳудудига ҳам ингичка толали ғўза навларини етиштириш ва агрокластерлар янада юқори иқтисодий самарадорликка эришиши мумкинлиги ўз тасдиғини топади. Пировардида Ўзбекистоннинг ўрта ҳудудидagi пахтачилик-тўқимачилик кластерлари тезпишар, ҳосилдор, йирик кўсакли, ингичка толали ғўза навларини экиш, ўрта толали ғўза навлариникига нисбатан сифатли

тола олиш, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш имконига эга бўлади. Юртимизда ҳарбий саноатнинг йўлга қўйилиши ўтган асрда рангли толали ғўза бўйича ўтказилган илмий-амалий тадқиқотларни қайтадан тиклаш лозимлигини кўрсатади. Пахта етиштирувчи кўплаб давлатларда амалиётда қўлланаётганидек, Ўзбекистоннинг пахтачилик-тўқимачилик кластерлари ҳам табиий рангли толали ва кимёвий бўяшни талаб қилмайдиган, тиббий жиҳатдан фойдали, кўёш таъсирида ранги кучли ўзгармайдиган тўқимачилик маҳсулотларини олиш имкониятига эга бўлади. Ҳозир институтимизда рангли тола берувчи хорижий ва маҳаллий ўрта толали ғўза нави намуналарининг қимматли хўжалик кўрсаткичларини ўрганиш, энг ях-

шиларини селекция қилиш, рангли толага эга ғўза навларини яратиш ва пахтачилик-тўқимачилик кластерларида жорий этиш учун илмий тадқиқотлар давом этмоқда.

Институтимиз олимлари мамлакатимизнинг асосий қишлоқ хўжалиги экинларидан бўлган бўғдойнинг генетикаси, физиологияси, молекуляр биологияси ва селекцияси бўйича ҳам кенг қўламли тадқиқотлар ўтказмоқда. Изланишлар натижасида юмшоқ бўғдойнинг занг ва бошқа касалликларга, қурғоқчиликка чидамли, озуқа сифати юқори бўлган "Бардош", "Пахлавон", "Оқ марварид" ва бошқа навлари яратилди ҳамда ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Бу экин тури бўйича ҳозирги вақтда олиб борилаётган тадқиқотларда аналитик селекция усуллари билан бир қаторда частиштиришга асосланган синтетик селекция ҳамда физиологик-биокимёвий усуллар ҳам кенг қўлланилмоқда. Мазкур бўғдой навлари уруғчилигига хусусий секторнинг жалб қилиниши нонбонлиги ва тўйимлилиги юқори бўлган бу навларнинг юртимиз майдонларига кенг экиш ва импортга сарфланадиган катта миқдордаги хорижий валютани тежаб, бошқа заруриятларга сарфлашга хизмат қилади.

Институтда озиқ-овқат саноати ва чорвачиликда кенг фойдаланиладиган соя экиннинг трансген бўлмаган, тезлишар "Генетик-1", "Сочилмас" ва бошқа навлари яратилиб, амалиётга жорий қилинди. Тегушли патентлар олинди, қирқдан зиёд генетик коллекциявий тизмаси ишлаб чиқилди. Биоорганик кимё институтида "Генетик-1" навининг оқсиллари асосида "Биокор" препарати олиниб, саратонга қарши дори-дармон воситаси сифатида синондан ўтказилмоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинларининг вирусли ва замбуруғли касалликлари штаммлари ўрганилиб, янги штаммлар билан бойитилиб, ўсимликлар клиникаси бўйича тадқиқотлар бажарилапти.

Жаҳон миқёсида Биологияни ривожлантириш йили деб эълон қилинган 2020 йилда институтимиз илмий жамоаси мамлакатимизда экилаётган қишлоқ хўжалиги экинлари бўйича кенг қамровли, чуқур фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориб, янги навларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш йўналишларида салмоқли ютуқларга эришишга ҳаракат қилади.

Пресс-тур

ТРАНСФОРМЕР — ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАЛАРИНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ

У бир кунда 20 тоннагача ҳосилни йиғиштириб олиб, 400 нафаргача теримчининг ўрнини боса олади

Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Пахта етиштириш, уни йиғиштириб олиш катта куч ва меҳнат талаб қиладиган жараён. Бугун эса қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари қатори пахтачилик йўналишида ҳам замонавий технологияларни қўллаш орқали ишчи кучи тежалиб, самарадорлик ва юқори ҳосилдорликка эришилмоқда.



Қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш бўйича нафақат юртимиз, балки Марказий Осиёда ягона бўлган "Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи" акциядорлик жамиятида ана шундай замонавий пахта териш машиналари тайёрланади. Жорий йилнинг март ойидан бошлаб бу ерда АҚШнинг "CNHI RND" конструкторлик-технологик маркази билан ҳамкорликда янада замонавий, бир кунда 20 тоннагача ҳосилни йиғиштириб олиб, 400 нафаргача теримчи ўрнини боса оладиган "TZST CE-220" пахта териш машиналари ишлаб чиқаришмоқда. Завод бўйлаб ташкил этилган пресс-турда оммавий ахборот воситалари ходимлари янги авлод техникасининг қўлайликлари ҳамда ишлаш механизмлари билан яқиндан танишди.

Айни пайтда ушбу техниканинг 20 фоизи маҳаллийлаштирилган бўлиб, бунинг учун зарур эҳтиёт қисмларнинг бир қисми ўзимизда тайёрланмоқда. Иш жараёнининг илк босқичи заводдаги тайёрлов-ишлов бериш цехида бошланади. Бу ерда металллар керакли ҳажмда кесилиб, уларга ишлов берилади. Пайвандлаш, бўяш, 200 даражали иссиқликда қуритиш жараёнларидан сўнг металллар йиғилади ва тайёр комбайн ҳолига келтирилади. Янги авлод пахта териш машинасининг асосий афзаллиги махсус тиркамалар орқали тракторга уланishi ва бир вақтнинг ўзида ҳам комбайн, ҳам трактор вазифасини бажара олишидадир. Яъни трансформер шаклида ишлаб чиқарилаётган CE-220 русумли пахта териш машиналаридан мавсумдан ташқари вақтларда ҳам универсал ҳайдов трактори сифатида фойдаланиш мумкин. Бу эса бошқа турдош турдаги техникалардан фарқли тарзда уни йил давомида турли агротехнологик жараёнларда қўллаш имконини беради.

Терим аппаратидаги икки томонлама барабан ҳамда "Extenda-Wear™" горизонтал шпинделларининг уч погонли тишлари

чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори қабул қилинди, — дейди "Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи" АЖ бош технологи Мурод Эргашев. — Мазкур қарор иқросини таъминлаш мақсадида заводимиз томонидан жорий йилда CE-220 русумли (Case) горизонтал шпинделли 550 дона ҳамда MX-1.8 русумли вертикал шпинделли 300 дона, жами 850 та замонавий, юқори самарали пахта териш машинасини ишлаб чиқариб, республика ҳудудларига етказиб бериш режалаштирилган. Ҳозирга қадар 106 та CE-220 русумли замонавий комбайн қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказиб берилган бўлса, заводда яна 120 тага яқин техника тайёр ҳолатда турибди.

Мазкур замонавий техника пахта қийғос очилган далага кирганидан кейин унинг ортдан фақат ғўзаюпа билан кўсак қолади, холос. Ушбу техника ёрдамида ҳосилни тез ва сифатли йиғиштириб олиш мумкин. Шу боис, ҳудудларда техникага талаб кун сайин ортиб бормоқда. Улар пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликларига лизинг асосида ёки тижорат банклари томонидан паст фоизли кредит маблағлари ҳисобига 10 йил муддатга етказиб берилаётгани техникадан фойдаланиш имконини янада оширяпти.

Мутахассисларнинг айтишича, комбайн юқюнаси 800 килограммгача пахта сийғимига эга бўлиб, унга янги пресловчи қурилма ўрнатилгани натижасида бу ҳажм 1200 килограммга ошган. Бугунги кунда 4 мингдан зиёд деталдан иборат техниканинг 2 мингдан орттиқ эҳтиёт қисмлари маҳаллийлаштирилган бўлиб, йил сўнгига қадар комбайннинг бошқа деталларини ҳам юртимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Соҳада эришилаётган бу каби ютуқлар, биринчи гада, қишлоқ хўжалигини замонавий технологиялар билан таъминлаш, механизация ва сервис хизматини кенгайтириш ҳамда сифатини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди



Қарор билан Қишлоқ хўжалиги вазирлигига бир қатор қўшимча вазифалар юклатилди.



Шунингдек, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб республика ОТМнинг "5321000-Озиқ-овқат технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)" ҳамда "5410500-Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)" таълим йўналишлари бўйича бакалавриятнинг кундузги ва сиртки таълим шаклларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари босқичма-босқич ошириб борилади.



Вазирлик, жумладан, мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирувчи (ишлаб чиқарувчи) корхоналар билан ушбу маҳсулотларни қайта ишловчи, тайёрловчи ва реализация қилувчи корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли муносабатлар учун шароитлар яратади.

Қарорга кўра, вазирликда Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармаси ташкил этилиб, мазкур бош бошқарма бошлиғи вазир ўринбосари ҳисобланади.

Қарор билан "Ўзбекизоқовқатхолдинг" ХК тугатилди.



2020 йил 1 декабрга қадар озиқ-овқат технологиялари соҳасида замонавий техника ва технологияларни жорий этган етакчи корхона, ташкилотлар ва муассасалар билан талабаларнинг амалиётларини ўташ юзасидан ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш чоралари қўрилади.

Қарорга мувофиқ, шунингдек:

2021 йил 1 январга қадар республикада қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларига мавжуд ички талабни ҳисобга олган ҳолда 2021-2023 йилларга мўлжалланган саноатбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кенгайтириш дастури;

2021 йил 1 мартга қадар мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашни жадал ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш белгиланган.

Таҳлил ва таққос



Бошланиши 1-бетда

Тежамкор технологиялар қачон самара беради?

Вақт шиддаткор. Ҳал этилиши кечиктириб бўлмайдиган вазифалар кўлами эса кенг. Хусусан, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари сув истеъмолчилари уюшмалари ҳисобидаги 3 726 километрлик (36 %) суғориш тармоқларининг хизмат муддати ўтган ва эскирган. 10,8 минг гектар ёки жами суғориладиган майдонларнинг атиги 2 фоизда томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган, холос. Шу боис, қарор билан 2020-2023 йилларда сувни тежайдиган суғориш технологиялари жами 90,5 минг гектарга (15 фоиз) жорий этилиши, бунда томчилатиб суғориш технологияси қўлланиладиган майдон 41,5 минг гектар (7 фоиз)га етказилиши кўзда тутиляпти.

— 2020 йилда Жиззах вилояти бўйича пахтачиликда 1800 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологиясини қўллаш режалаштирилган эди, — дейди Сув ҳўжалиги вазирлиги сув тежовчи технологиялари жами жорий этиш бошқармаси бошлиғи Рустам Қаршиев. — Амалда эса бу миқдор 2,5 баравар ортиб, 4,5 минг гектар майдонни эгаллади. Сув тежовчи технологияларни жорий этиш эвазига ҳар бир гектар майдондаги ҳосилдорлик 20 центнер ошиши кутиляпти.

Ховос туманидаги "Сайхун" фермер ҳўжалиги жорий йилда 110 гектар майдонда пахта етиштирмоқда. Шунинг 54 гектарида "Agro Drip" компаниясининг томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган. Ушбу замонавий қурилма сув тақчиллиги шароитида унинг ҳар қатрасидан тежаб-тергаб фойдаланиш имконини берапти. Фермер ушбу янги технологияни бошқариш дастурини мобил телефонига ўрнатиб олиб, эндиликда

2023 йилгача Жиззах вилоятида **664** та, Сирдарё вилоятида **1 049** та сув ҳўжалиги объектига электрон қурилмалар ўрнатилиши белгиланган. Натижада сувдан фойдаланишда шаффоф тизим яратилади, сувнинг ҳисоб-китоби ва мониторинги электрон шаклда амалга оширилади.



СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

Юқори ҳосил гарови

Натижада сувдан фойдаланишда шаффоф тизим яратилади, сувнинг ҳисоб-китоби ва мониторинги электрон шаклда амалга оширилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 3 миллион 200 минг гектар ерга 46 миллиард куб метр сув сарфланаётган бўлса, унинг 60 фоизи экинларга етиб борапти. Чунки жами 180 минг километр суғориш тармоқларининг 23 фоизи бетон қопламали бўлиб, улар 30-35 йилдан буюн деярли янгиланмаган. Яна бир сабаби, экин майдонларининг аксар қисми эскича услубда суғорилаётгани, экинлар номақбул жойлаштирилаётгани боис, сув сарфи ошишига йўл қўйляпти.

— Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида энг муҳим соҳалар қаторида сув ҳўжалигига ҳам тўхталиб, ресурс тежайдиган технологияларни амалиётга кенг татбиқ этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берди, — дейди Рустам Қаршиев. — Шундан келиб чиқиб, жорий йилда республикамиз бўйича 44 минг гектардан зиёд майдонда сув тежовчи технологиялар, жумладан, 24,8 минг гектар пахта майдонида томчилатиб

суғоришнинг замонавий тизими жорий қилиниши режалаштирилган эди.

Мана, куз ҳам келди, ғалвирни сувдан кўтариш вақти етди. Замонавий технологияларни жорий этиш бўйича қандай натижалар кутиляпти?

— 2020 йилда томчилатиб суғориш технологияси қўлланиладиган майдон 40 минг 793 гектар (21 544 гектар пахта майдонларида, 19 250 гектар боғ ва узумзорларда)ни ташкил қилди, — дейди Рустам Қаршиев. — Шунингдек, 2 минг 190 гектар майдонда ёмғирлатиб суғориш, 4 минг 238 гектар майдонда дискрет (пульсар) суғориш технологияси жорий қилинди.

Бунинг натижасида 154,8 миллион куб метр сув тежалишига эришилиб, 31,7 минг гектар майдонда тақрир экинлар етиштириш имконияти яратилмоқда. Пахта майдонларида минерал ўғитлардан фойдаланиш ҳажми 16,1 минг тоннадан 12,8 минг тоннага қисқаради (20 фоиз), ёнилғимойлаш маҳсулотлари сарфи 4,9 минг тоннадан 3,2 минг тоннага камайдди (35 фоиз), пахта майдонларида ҳосилдорлик гектарига ўртача 45-60 центнерга етиши кутилмоқда (ўтган йилларда 28-40 центнер бўлган).



Эришилаётган самаралар ва таҳлиллар асосида 2021 йилда қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларида сув тежовчи технологияларни беш баравар ёки 200 минг гектардан ортиқ майдонда жорий қилиш бўйича талабномалар тушмоқда. Президентимизнинг 2020 йил 10 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонида ўн йил давомида 2 миллион гектар экин майдонида сув тежовчи технологияларни жорий қилиш белгиланган.

Сувни тежайдиган технологияларни қўллаган кластер ва фермер ҳўжалиқларида давлат томонидан молиявий мадад берилаётгани суғоришнинг тежамкор усуллари оммалаштиришга хизмат қилади. Масалан, жорий йилда Олтиариқ туманида 44 гектар ғўза майдони ва 50 гектар боғда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилди. Бу технология

туфайли, биринчидан, ишлаб чиқариш харажатлари камайиши кутиляпти, иккинчидан, ҳосилдорлик ўтган йилдагига қараганда ошиб, яхшигина даромад олинишига умид қилинапти.


— Бунинг учун тўла асос бор, — дейди Олтиариқ тумани ирригация бўлими бошлиғи Акмалжон Ҳамроқулов. — Шунинг учун 2021 йилда 1000 гектар пахтазорда, 3000 гектар боғда, 400 гектар ғаллазорда сув тежовчи технологияларни қўллаш учун фермерларимиз шартномалар тузишга ҳозирдан киришдилар. Туманимизнинг юқори қисмидаги Повулгон, Ғайрат, Янгиараб даштларида жорий йилнинг ўтган ойлари давомида 400 гектардан ортиқ ерда янги узумзор ва боғ барпо қилинди. Ҳозиргача бу ерлардаги узумзор ва боғ эгалари ўз ҳисобидан 10 дан ортиқ тик суғориш қудуги қовладилар. Мазкур қудуқлар томчилатиб суғориш технологияси ўрнатиш учун замин яратади.

— Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш — бугунги кун ва келажак талаби, — дейди Амударё туманидаги "Асл қишлоқ тараққиёт" МЧЖ пудрат ташиклоти раҳбари Жасур

Юнусов. — Кўриб турибмизки, минтақамизда йил сайин сув танқислиги кузатишмоқда. Ана шундай шароитда ҳам экин майдонларидан юқори ҳосил олиш учун, албатта, тежамкор технологияларни жорий қилиш зарур бўлади. Бунинг учун давлатимиз томонидан субсидия ва кредитлар ажратиш назарда тутилгани фермерларга молиявий кўмак бўлмоқда.

Қишлоқ ҳўжалигига энг мақбули томчилатиб суғориш технологиясидир. Мутахассисларнинг эътирофи эитишча, унинг афзаллиги, энг аввало, сув ресурсларини иқтисод қилишда намоён бўлади. Аъъанавий усулда ишлатадиган сув миқдорининг 40-50 фоизи тежалмай, меҳнат ва ресурс сарфи 30 фоиз камайдди. Бунга суғориш режимиининг ўзига хослиги, бўғланишнинг пастлиги, обихаётнинг беҳуда оқиб кетмаслиги туфайли эришилади, албатта. Пировардида экин турига қараб, 20 фоиздан 80 фоизгача сувни тежаш имкони пайдо бўлади.

Боғдорчилик



Жорий йилги режалар эса янада залворли. Туманда бу йил фермерлар ва аҳоли томорқаларида **14,5** минг тонна узум етиштирилиши режалаштирилган. Шу ҳосилнинг камида **9,5** минг тоннаси экспортга жўнатилади. Бу эса тахминий ҳисобларга кўра, **10** миллион АҚШ долларидан ошади.

БОҒОТЛИКЛАР БУ ЙИЛ 9,5 МИНГ ТОННА УЗУМ ЭКСПОРТ ҚИЛАДИ

Рўзимбой ҲАСАН, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Деярли бир аср фақат пахта етиштириш билан шўғулланилган Хоразм вилоятида сўнгги йилларда боғдорчилик, жумладан, узумчилик ҳам ривож топмоқда. Бугун воҳанинг фермер ҳўжалиқлари далаларидаги ҳамда аҳоли томорқасидаги токзорларда етиштирилган шираси тилни ёрадиган узумлар хориж бозорларини ҳам забт этмоқда.

Узумчилик борасида Боғот тумани боғбонларига тенг келадиганлар йўқ. Туманининг бир қатор қишлоқларида аҳоли томорқасида етиштирилган маҳаллий тоифи навли узум орқасидан рўзгорини таъминлаб келаётгани ҳам айни ҳақиқат. Туманининг Ғизравот, Миришкор, Қораёнтқ қишлоқларида узумнинг шу нави кўпроқ етиштирилади. Аҳолининг даромади ҳам узум орқасидан.

Узумчиликда деҳқонбозорликларга тан бериш керак. Қишлоқдаги бирорта хонадон йўқки, томорқасида ток эмаган бўлсин. Ҳатто улар илгига берилган қўшимча томорқаларни ҳам аллақачон токзорга айлантирган.

— Томорқам ҳамда тендерда олган ўттиз сотихча ер майдонида узумзор ташкил қилдим, — дейди Ражаббой Оллаёров. — Йилгига ўртача қирқ миллион сўмга узум сотаман. Бозорга чиқмайман, бир неча кун ичида ҳосилимизни

халқаро юк ташувчи машиналарда ўзлари келиб, ўлчаб, пулини нақд санаб бериб кетишди. Узумчилик орқасидан фарзандимни уйлантирдим, иморат қурдим, енгил машина олдим. Меҳнатдан қочмасанг, заминимиздан олтин унади. Олдинлари узумимизни ўзимиз бозорга чиқарардик. Бу анча машаққатли эди. Эндиликда ҳосилни хорижга чиқариш тизимли йўлга қўйилган. Сентябрь ойидаёқ ҳосилни сотиб, боғимизни қиш мавсумига ҳозирлаймиз.

Деҳқонбод қишлоғидаги маҳаллалар аталаридан ҳам эл ризқини бераётган неъматга урғу берилгани беҳиз эмас — "Боғистон", "Узумзор"...

"Узумзор" шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Худоёр Бобониезов бундай гурун беради: "Маҳалламизда 810 та хонадон бор. Уларнинг томорқаси ва қўшимча томорқаларидаги токзорлар 250 гектарга яқин. Яна учта узумчилик фермер ҳўжалиги ҳам фаолият юритапти. Бу ҳўжалиқларнинг ҳар бирида 15 гектардан ер бўлиб, барчасида узумзорлар барпо қилинган.

Одамларимизнинг узумдан олаётган даромадларидан кўнгли тўқ. Мисол учун, ўтган йили ҳар килограмм узумни 2,5-3 минг сўмдан сотишган бўлса, бу йил савдонинг 4,5 минг сўмдан бошлашди. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми хорижга экспорт қилинмоқда. Қолгани бозорларимизга чиқариляпти. Шунинг айтишим керакки, бизда кейинги йилларда асаларичилик ҳам ривожланиб бормоқда. Буюм аҳолига қўшимча даромад келтиради, албатта."

Худоёр оқсоқол фуқаролар даромадлари ҳақида гапиратиб, етти юздан ортиқ хонадонда замонавий енгил машина борлиги, бу кўрсаткич бўйича қишлоқ нафақат туман, балки вилоятда

энг олдинда эканини ва бу йилги ҳосилдан сўнг юз фоизга етишини ҳам айтиб ўтди.

Оддий қишлоқнинг шаҳарча макomini олиши ортида ҳам айнан даромаднинг юқорилиги, одамларнинг ишчанлиги, узумчилик илмини "сув қилиб ичгани" етибди.

Туманда айни пайтда узумчиликка ихтисослашган 82 та фермер ҳўжалигининг 374 гектар ер майдони бор. Бу ерларнинг аксариди маҳаллий тоифи навли узумлар етиштириляпти. "Лочинбек Шоҳжаҳон" фермер ҳўжалигининг



Жами йўлдошев олган буратлар.

20 гектар токзориди етиштирилаётган ҳосил ва олинаётган даромад аллақачон саккиз рақамли сонлар билан ҳисобланмоқда.

Айни пайтда ризамат, чарос навли узумлар ҳам экилган ва уларнинг илк ҳосили янги навларнинг юқори самара беришини кўрсатмоқда. Миришкор қишлоғида бунёд этилаётган, йилгига икки минг тонна узумни қайта ишлашга мўлжалланган янги қорхона яқин йилларда узум ва унинг данагидан бир қатор истеъмолбоп маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлайди. Бу эса тармоқнинг ривожланишига катта туртки беради.

Кўзнинг биринчи ойдан миришкорлар ўз ҳосилини йиғиштиришга киришди. Қишлоқларда кўп тонналик юк машиналари пайдо бўлиб қолди. Бу машиналар узумнинг сифатини ўзгартирмасдан, қисқа муддатда Россиянинг қатор шаҳарларига етказиб боради. Бугун Боғот узуми Россиянинг марказий шаҳарларигагина эмас, ҳатто Сибирь, Узоқ Шарқдаги аҳоли пунктларига ҳам етиб борапти.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, айнан узумчилик Боғот туманининг экспорт салоҳиятини белгиляпти. Ўтган йили туманда 13,5 минг тоннадан ортиқ узум етиштирилган бўлса, унинг саккам 8,5 минг тоннаси экспортга чиқарилиб ва 7,8 миллион АҚШ доллари миқдориди даромад олинди.

Жорий йилги режалар эса янада залворли. Туманда бу йил фермерлар ва аҳоли томорқаларида 14,5 минг тонна узум етиштирилиши режалаштирилган. Шу ҳосилнинг камида 9,5 минг тоннаси экспортга жўнатилади. Бу эса тахминий ҳисобларга кўра, ўн миллион АҚШ долларида ошади.

"Боғистон" маҳалласида яшовчи қариндошим кўнғирқ қилиб қолди. Кайфияти чоғ: "Узумни сотдик. Ҳар килограммининг тўрт ярим минг сўмдан олишди. Энди ўғилнинг тўйини бошлайман. Яна енгил машина олиш ниятим ҳам йўқ эмас", деди қувониб.

Мана, меҳнатнинг роҳати! Мана, ернинг ҳақиқий ҳазина экани. Мана, истиқлолнинг шарофати!

Худудлар: ислохотлар самараси



Ханим Йўлдошев оғилан сураёт.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ:

БУГУНИДАН РОЗИ ВА ЭРТАСИГА ИШОНЧИ МУСТАҲКАМ ХАЛҚ

Бошланиши 1-бетда

Кўзларимизни қувонтирган, қалбимизни орзиқтирган яна бир маскан вилоят ёшлари орзиқиб қутаётган Президент мактабидир. Кундан-кунга кўкка бўй чўзиб бораётган бу иншоот 3 қаватли ўқув биноси, ўқитувчилар учун меҳмонхона, ўқувчилар учун 168 ўринга мўлжалланган ётоқхонадан иборат бўлади. Бундан ташқари, спорт ўйингоҳи ва майдонлари, дам олиш учун кенг ховлилар ўғил-қизлар ихтиёрига берилади. Истиқлол байрами кунларида вилоятда 74 та янги иншоот, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари, меҳмонхона ва меҳнат гузарлари, савдо дўконлари, ишлаб чиқариш корхоналари, тиббиёт муассасалари фойдаланишга топширилди.

Инсон саломатлиги йўлида

Сўнгги йилларда тиббиёт соҳасида ҳам улкан ўзгаришлар юз берди. Энг чекка қишлоқларда ҳам замонавий тиббиди тиббиёт муассасалари қад ростлаб, энг зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Она ва бола ҳамда аҳоли саломатлиги учун қўлай шарт-шароитлар яратилди.

Коронавирус пандемияси шароитида вилоятда вирус юқтирилганларнинг соғайиш кўрсаткичи 96 фоизни ташкил этаётгани ҳам шифокорларнинг заҳматли меҳнати маҳсулидир. Албатта, бугун шифокорларнинг иши фақат вирусга қарши курашдан иборат бўлиб қолаётгани йўқ. 120 ўринга мўлжалланган Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиалида юқори технологияли жарроҳлик амалиётлари ўтказилмоқда.

100 ўриндан 150 ўринга кенгайтирилган ва 40 ўринли жарроҳлик бўлими очилган Республика эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё филиалида қандли диабетга чалинган беморлар учун жарроҳлик амалиётлари шу ернинг ўзида амалга ошириляпти.

Шунингдек, тўлиқ реконструкция қилинган юқумли касалликлар шифохонасида янги гепатология маркази очилди.

Саёхатимиз давомида янгидан ишга тушган “НЕОМЕД МЕДИКАЛ КОМПЛЕКС” кўп тармоқли хусусий клиникасида бўлди. Шаҳар кўрмага-кўрк қўшиб, кўзни қувонтириб турган бинонинг ичкарасига кирар экансиз, бутунлай бошқа ҳолатга тушасиз. Одатда шифохона, тиббиёт маскани деганда юракни увуштирувчи анъанавий оқ девор, оқ халлатли дўхтирлар кўз олдингизга келадди. Лекин бу ердаги барча жиҳозлар шундай танланган ва шундай дизайнда жойлаштирилганки, беҳиёт руҳиятининг эркинликка, хотиржамликка мойиллик пайдо бўлади.

— Клиникамиз кўп тармоқли, — дейди клиника раҳбари, олий тоифали шифокор Жасур Муртазов. — Аҳолига неврология, кардиология, терапия ҳамда гинекология йўналишларида тиббий хизмат кўрсатамиз. Тиббиётда шифокорнинг энг яқин кўмакчиси ва суянчиси замонавий тиббий жиҳозлар ҳисобланади. Шу сабабли клиникамизни аниқ ташхис қўйиш учун УТТ-ультратовуш текшируви, ЭЭГ-электроэнцефалография, РЭГ-реознцефалогия, ЭКГ-электрокардиограмма ҳамда МСКТ-32 аппаратлари билан таъминладик. Коронавирус пандемияси даврида вирус асоратларини ўрганиш ва тезликда бартараф этишда МСКТ-32 аппарати жуда катта ёрдам берапти. У ташхисни энг юқори аниқликда қўйишда катта қўлайликларга эга.

Вилоят тиббиёт муассасаларини замонавий ускуналар ва жиҳозлар билан

таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, қайта реконструкция қилинган вилоят кўз касалликлари шифохонасига хорижда ишлаб чиқарилган, сунъий гавҳар қўйиш амалиётини енгиллаштирадиган фактомүльсификатор, ОСТ (кўз томографияси) ҳамда яшил лазер ускуналари келтирилди. Натижада илгари фақат пойтахтда ўтказилган юқори технологияли мураккаб жарроҳлик амалиётларини мана шу шифохонанинг ўзида амалга ошириш имконияти яратилди.

Вилоятда тиббиётнинг бирламчи тизимини мақбуллаштириш ишлари натижа-сида 72 та қишлоқ оилавий поликлиника-си аёллар маслаҳатхоналари, қизлар саломатлиги хоналари, тез ёрдам шохоб-чалари ва ижтимоий дорихоналар ташкил этилди. Республика шотилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиали хомийлар маблағи эвазига замонавий тиббий ускуналар билан таъминланди. Тез тиббий ёрдам хизмати автотранс-порти сони 247 тага етказилди. Тизимда 480 ўринга эга 22 та ихтисослаштирилган бўлим ташкил қилинди.

Ерга меҳр берган бой бўлмоқда

Илгари мамлакатимиз аграр рес-публикалардан бири бўлса-да, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи импорт маҳсулотлар ҳисобидан қопланар эди. Қишдан-қишга даладан қиммай пах-та етиштириб, ўзи кийимга ёлчимаган меҳнаткаш одамларимиз ҳақидаги қай-ғули ҳикоялар ёдимда. Бугун-чи? Бугун фермерлар фақат ғалла ва пахта етиш-тирувчи деҳқон эмас, балки кўп тармоқ-ли хўжаликка эга, узокни кўра оладиган тадбиркор. У нафақат ер илмини, бал-ки жаҳоннинг энг илгор технологияла-рини яхши ўзлаштирмоқда. Ўз фаоли-яда самарали қўлламоқда.

— Фермер хўжалигимиз ташкил



Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан барча дастурлар доирасида 2018 йилда 19076 та тадбиркорлик субъектига 1 триллион 668 миллиард сўм кредит берилган бўлса, 2019 йилда 38925 та тадбиркорлик субъектига 2 триллион 770 миллиард сўм, 2020 йилнинг 6 ойида 57080 та тадбиркорлик субъектига 2 триллион 789 миллиард сўм кредит берилиши таъминланди.

топганига 14 йил бўлди, — дейди Қарши туманидаги “Бахт” фермер хўжали-ги раиси Иброҳим Холиёров. — Даст-лаб пахта-ғалла етиштириш билан иш бошлагандик. Қарасак, фермерлик ав-валгидек кетмон кўтариб далама-дала кезиб юрадиган деҳқончилик эмас, тад-биркорлик экан. Чорвачиликни ривож-лантириб, сут ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ҳозир наслдор қорабайир отлар, туялару туя-қушларни кўпайтиряпмиз. Товуқ, курка, товус ва қуён боқяпмиз. Қорамоллари-мизнинг сони 600 бошдан ошди. Ҳозир хўжалигимизда 100 нафардан зиё-д киши меҳнат қилмоқда. Яна бир му-ҳим янгилик, хориж билан ҳамкорликда ишлашни ҳам йўлга қўйдик. 2017 йили Германиядан, яқинда Украинадан зо-ли қорамоллар олиб келдик.

Байрам арафасида Қамаш туманида бир неча муҳим объектлар фой-даланишга топширилди. Улардан бири “Турсунов Муҳаммадали Тўлқинович” МЧЖга қарашли тикувчилик цехи бўлиб, корхонада айни пайтда 60 нафарга яқин хотин-қизнинг бандлиги таъминланган.

— Болалар ва катталар кийимлари, ётоқхона учун кўрпа ва чойшаблар, матрас ҳамда бошқа турдаги маҳсу-лотларимизни бозорга олиб чиқяпмиз, — дейди тикувчилик цехи раҳбари Сожида Умарова. — Ҳозирги талабдан келиб чиқиб, тиббий нибоблар тикяп-миз. Яқинда Қозғистонга чойшаблар экспорт қилиш бўйича шартнома им-золадик. Туркиялик ҳамкорлар билан экспорт талабларига жавоб бера ола-диган маҳсулотлар чиқариш бўйича иш олиб бормоқдамиз.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармон ва қарорлари билан пандемия шароитида тадбиркорларнинг қўллаб-қувватланиши, солиқ, божхона тўловла-рида имтиёзлар берилиши уларга нафа-қат куч-қувват, балки ишонч ҳам берди.

Бугунги кунда вилоятда 45 минг 369 та тадбиркорлик субъекти фаолият юри-



тиб, уларнинг янги худудий маҳсулотда-ги улуши 60,1 фоизни ташкил қилади. Бу кўрсаткич 2017 йилда 53,3 фоиз эди.

Яна бир гап. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банкла-ри томонидан барча дастурлар доира-сида 2018 йилда 19076 та тадбиркорлик субъектига 1 триллион 668 миллиард сўм кредит берилган бўлса, 2019 йил-да 38925 та тадбиркорлик субъектига 2 триллион 770 миллиард сўм, 2020 йилнинг 6 ойида 57080 та тадбиркорлик субъектига 2 триллион 789 миллиард сўм кредит берилиши таъминланди.

“Ҳар бир ёшга — бир гектар”

— Мен пул топаман деб бир неча йил хорижда сарсон бўлиб юрдим, — дейди чироқчилик ёш тадбиркор Яхшимурод Қобилолов. — Лекин бирим икки бўлмади. Аксинча, юрак ҳовуч-лаб яшайдан, ўрганмаган иқлимда

соғлиғим ёмонлашишдан чарчадим. Қишлоғимни, ота-онамни соғиниб кўп сиқилардим. Бир куни қишлоқдаги оғайниларимга телефон қилсам, ёш-ларга ер ажратилаётганини, имтиёзли кредит берилаётганини айтди. Бу гап-ни эшитиб тинчим йўқолди ва қайда-сан Чироқчи дея йўлга тушдим. Келиб кам бўлмадим, ер олдим, мева, саб-завот етиштиришга қизиқардим. Эрта-пишар тарвуз етиштирдим ва хорижга экспорт қилдим.

Ҳозир чироқчилик кўплаб ёшлар каби Яхшимурод ҳам ўзи учун ажра-тилган лалми ерда деҳқончилик бил-лан банд. Ёш йигит бугун ўзига ишон-ган ишбилармонга айланди.

— Чироқчи туманида Яхшимурод каби 206 нафар ташаббускор ёшга ғалладан бўшаган 139,5 гектар ер майдони ажратиб берилди, — дейди

вуҳудинга тафаккур айлалгил, Ҳар не истарсан, ўзиндан истагил”.

Навбатдаги саёхатимиз сўз мулки-нинг султони, ҳазрат Алишер Навоий номи билан аталадиган маданият ва истироҳат боғига бўлди.

Боғни айланар экансиз, дастлаб дарвозасига рух доналари ўрнатилган “Оқ рух” шахмат павильони сизга “пеш-воз” чиқади. Гулзорлардаги гуллардан тортиб, алоҳида эътибор билан ўрна-тилган барча жиҳозларда шахматга оид унсурлардан маҳорат билан фой-даланилган. Бўйингиз баробар шахмат доналари териб қўйилган ўйин майдо-нида ўзингизни азал-азалдан халқимиз севиб ўйнаган шатранж оламига тушиб қолгандай ҳис қиласиз.

— Мен Алишер Навоий номидаги ушбу боғда жуда катта ўзгаришлар бў-лаётганини телевизор орқали кўрдим



Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси Дилшод Усмонов. — Ёш деҳқонлар асосан, мош, тарик, маккажўҳори, қовоқ, помидор, бод-ринг, сабзи, қовун-тарвуз ва кунжут экинларини ўз эҳтиёжлари учун эки-ди, даромад олди. Айрим туманлардаги фойдаланишдан чиқариб юборилган ерлар “Ҳар бир ёшга — бир гектар” лойиҳаси доирасида қишлоқ ёшла-рига бўлиб берилди. Натижада чўл ўртасида мўъжаз “Ёшлар шаҳарчалар-и” пайдо бўлди. Айни кун-гайратга тўлган чоғида ҳар бир йигит-қиз ои-ламга, юртимга наф келтирсам, деган ният билан ҳаракат қилади. Бу ҳис-си ёшлар билан учрашуварда уларнинг сўзу кўзларидан англаш қийин эмас.

Шу сабабли вилоятимизда ёшларнинг хоҳиш-иродасига қараб деҳқончилик, тадбиркорлик қилишлари учун барча имкониятлар яратилган. Биринчи ярим йилликда вилоят бўйича 32 мингдан ортқ ёшнинг бандлиги таъминланди.

Келажакка сармоа

Мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон ҳаёти давомида оладиган бар-ча маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда эгаллаб бўлади. Бино-барин, юртимизда болаларни боғча ёшиданқоқ мукаммал тарбиялашга асо-сий эътибор қаратилмоқда.

— Бугунги кунда вилоятимизда 3-7 ёшли болалар сони салкам 286 минг нафарни ташкил этади, — дейди ви-лоят мактабгача таълим бошқармаси бошлиги Асрор Алмардонов. — Улар-нинг 116 минг 297 нафарни мактабга-ча таълим ташкилотларига қатнайди. Охириги 3 йилда тизимда қўрғов дара-жаси 18,7 фоиздан 40,7 фоизга етказ-илди. Шу вақт ичида боғчалар сони 326 тадан 1284 тага, яъни 4 баробар қўпайганини айтиш ўринли.

Дарҳақиқат, бугун мактабгача таъ-лим ташкилотларида ўғил-қизларимиз, қандай буюқ алломаларнинг авлодлари эканини фахр билан қалбларига жо-яляпти. Давлат рамзларига муҳаббат, ундаги ҳар бир ранг мазмун-моҳияти, ўзбекона ахлоқнинг бошланғич қоида-лари, табиятга меҳр уйғотишгача бул-ган барча савъ-ҳаракатлар болажонлар маънавиятида чуқур ўзгаришлар содир этмоқда. Бир сўз билан айтганда, бугун мактабгача таълим ташкилотлари бир пайтлардаги каби фақат “болаларни ушлаб турадиган эмас”, балки уларнинг маънавий-жисмоний камолотига мус-таҳкам пойдевор қўядиган ҳақиқий маъ-рифат масканига айланиб улғурди.

Ҳар не истарсан, ўзиндан истагил

Ишонч инсонда бунёдкорлик ру-ҳини уйғотади. Инсонни катта мақ-садлар сари етаклайди. Ҳазрат Али-шер Навоий луфт этганлари каби: “Ўз

ва келишни жудаям истадим, — дей-ди Қарши шаҳридаги 9-умумтаълим мактаби ўқувчиси, 10 ёшлилар ўрта-сида шахмат бўйича жаҳон чемпиони Абдумалик Халилов. — Айниқса, бу ерда катталар ва ёшлар учун алоҳида шахмат павильонлари бунёд этилиб, ёнида ҳар хил декорациялар қурилга-нидан хурсанд бўлдим. Чунки шахмат мен учун жуда сеvimли, сирли, ақл талаб қиладиган ўйиндир. 4 ёшимдан буён шахмат билан шуғулланаман. Яқинда Россия Федерациясида онлайн тарзда ўтказилган халқаро шахмат му-собақасида голиб бўлдим.

Мазкур боғдаги яна бир диққатга сазо-вор жой электрон халқ кутубхонасидир.

— Ёшим 70 дан ошди. Шу боғ атро-фидаги кўп қаватли уйлارда тураман, — дейди Мавжуда Лочинова. — Била-сизми, бу боғқа авваллари киришга қўр-қардик, қоронги, чекка жойлари чака-лазор... Мана бўларкан-ку, чироқлар, гулзор, йўлақлар, манзарали кўчатлар. Болаларимиз билан кечкурун сайрга чиқяпмиз. Неварам мана бу ердан теле-фонимга китоб кўчириб оламан, дейди. Табба, шу айлана устунга 100 дан ошиқ китоб сингдирилган экан...

Истироҳат боғида янги ўриндиқлар ўрнатилган, одамлар ўтириб суҳбат қурадиган ёки китоб ўқиб ҳордиқ чи-қарадиган 10 га яқин шинам айвонча шарқона услубда қурилди. Шунингдек, шаршаралар барпо этилиб, замонавий ёритиш мосламалари, йўлақлар ёнида замонавий туғни чироқлар ўрнатилган. Пйёдалар ҳамда велосипед йўлақлари алоҳида барпо этилган.

— Ҳали боғда амалга ошириладиган режаларимиз ниҳоятда кўп. Лойиҳага асосан, бу ерда 7,5 миллиард сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиши керак, — дейди штаб раҳбари Нарзулла Қодиоров. — Боғдаги бирорта объект шун-чаки қурилмади, ҳаммаси чуқур уйланган, жуда катта маъно-мазмунни муҳассам этган ҳолда ташкил этилди. Дарахтлар рақамланди. Бирорта дарахтга дахл қил-масликка, асраб-авайлашга ҳаракат қи-линди. Айни пайтда 4 та теннис кортида таъмирлаш жараёнлари охирига етиб қолди. Шунингдек, лойиҳага асосан, исти-роҳат боғида 2 та автотураргоҳ қуриш ва фитобар оғиш режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғи бугунги кунда ўзгача қўрк ва замонавий қиёфага эга бўлиб, аҳолининг бўш вақтларини мароқли ўтказадиган, айниқса, ота-оналар фар-зандлари билан маданий ҳордиқ чиқар-адиган сўлим масканга айланди.

Муқаддас қадамжолар — қадриятларимиз тажассуми

Юртимиз тарихида инсоний камол-оти ва ижтимоий фаолияти билан

довруғ қозонган, миллатимиз фаҳри ҳисобланган улуғ зотлар бениҳоя кўпчилиги билан фахрланамиз. Халқимиз ҳамиша оқилру донишманд аждодлари кўрсатган тўғри йўлдан борган, улар қолдирган буюк ме-росидан баҳраманд бўлган, асраб-авайлаган.

— Мамлакатимизда тарихий оби-далар жуда кўп. Шахрисабздаги осори-атиқаларни дунё тан олган. Айни пайтда муқаддас қадамжоларни қай-та тиклаш, зиёрат туризмни янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар натижа-сида вилоятда бир канча зиёратгоҳ-лар қайта тикланди, таъмирланди, — дейди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси бош-лиги Нўмон Райимқулов. — Бугун вилоятда 1321 та моддий-маданий мерос объекти мавжуд. Биргина Қарши шаҳридаги 60 та моддий-ма-даний мерос объекти зиёрат туризми ривожига салмоқли ўрин эгаллайди. Айниқса, Қўқғумбоз масжиди, Қаш-қадарё кўприги, Абу Убайда ибн ал Жарроҳ ёдгорлик мажмуаси каби бир

қанча маданий мерос объектилари маҳаллий ва хорижий меҳмонларни ўзига тартади. Шаҳарга гастронимик туризм учун ҳам сайёҳларни жалб қилиш имконияти бор, “Чорсу танди-ри” ҳали ҳамон хорижий меҳмонлар-ни ўзига ром этади.

Қамаш туманида ҳам маҳаллий ва хорижий сайёҳларни ўзига жалб этадиган маданий мерос объектилари бисёр. Жумладан, XIV аср Марказий Осиё меъморчилигининг ноёб наму-наси сифатида эътироф этиладиган, қўплаб шайхлар ва азиз авлиёлар макон толган Лангар ота масжиди ва Шайх Абулҳасан мақбараси шу туман-да жойлашган.

Айни пайтда Ҳисор тоғ тизмалари оралиғида жойлашган ушбу зиёратгоҳ-да катта қурилиш, таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Яна бир обод манзил Қарши тумани Қовчин қишлоғида жойлашган. У моту-ридия калом илми мактабининг атоқли намояндларидан бири, Президентим-из таъбири билан айтганда “бундан минг йил олдин жаҳолатга қарши маъ-рифат билан курашган аллома” Абу Муин Насафий шарафига бунёд этилган зиёратгоҳдир.

— Бугун бу маскан бутунлай янгича қиёфа касб этмоқда, — дейди вилоят бош имом хативи Раҳматилло Усмонов. — Президентимиз ўтган йилнинг 24-25 февраль кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида Абу Муин Насафий-нинг бой маънавий мероси ёшларни турли ёт оқимлардан асрашда, уларнинг ҳақиқий баркамол авлод бўлиб ўсиши-да, эл-юртига хизмат қиладиган комил, фидойи инсонлар бўлиб етишишида муҳим илмий асарлар эканини алоҳи-да таъкидлаган эди. Ҳозир давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Қарши туманидаги Абу Муин Насафий зиёратгоҳи-да қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. Қисқа муддат ичи-да бу зиёратгоҳ сўлим ва файзли масканга айланади.

Айни пайтда вилоятда Абу Муин Насафий номидаги ақида илми мак-таби ўз фаолиятини бошлади. Мазкур мактаб тингловчилари ақида илми йў-налишининг етук мутахассислари бў-лиш йўлида тинмай изланмоқда.

Абу Муин Насафий қолдирган ил-мий-маънавий мерос нафақат ўз за-монаси, балки ҳозирги давр учун жуда долзарбдир. Жамиятда ақидавий маса-лаларда пайдо бўлган турли тушуном-чиликларга барҳам беришда гоёвий қу-рол сифатида хизмат қилади.

Хулоса шунки, саодатманд эл, ну-рли манзиллар макони бўлган Қаш-қадарёнинг қайси гўшасига борманг, бунёдкорлик, яратиш ишқи билан яшаётган одамларни кўрасиз. Улар бугундан қувониб, эртасига ишонч билан яшяпти.

Лола САОДАТОВА, журналист

Адиблар хиёбонидаги ўйлар

УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ...

Сайёра ТҶИЧИЕВА,
Ўзбекистон давлат санъат
ва маданият институти
профессори, шоира

Улуғларнинг бир яхши гапи бор: “Ватан ҳақида ёзганда энг янги қўйлагингни кий, энг тоза сатрларни ёз”. Инсон руҳиятининг жозиб кечинамаларига бундан ортиқ таъриф йўқ.

Мустақиллик байрами, Ватанимизнинг қутлуг айёми кунлари бу ҳикматнинг жанчалик қадрли экани ҳеч кимга сир эмас.

Истиқлолнинг, мустақилликнинг иссиқ нафасини халқимизнинг юрагига кўчирган, йигирманчи аср ўзбек шеърятига шахд ва шижоат билан кириб келган Ватан куйчиси, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф шеърятини Ватанимиз мадҳ этишда ҳақиқий ўзбекка хос жўмардлик, бағрикенглик, тилингни учиди турган сўзни берди ва жўн сатрларда шеърхонга етказиб олади олишдек фавқуллодда ҳайрат ва сеҳр кучи бор. Бу ҳайрат, бу сеҳр сизга дунёдаги энг хушбўй хид бугдоянинг, бугдой ноннинг иси, баҳор қабристонлардан бошланиб, инсон зотиға бир мартагина бериладиган бебаҳо умрнинг яхшиликлар аро ўтишиға эришмоқ ҳикмати эканини англатиб туради. Сатрларида Ватан онанг каби ягона ва ҳаммаша қўли елкангдан маҳкам кучиб туришини, Яратганининг ўзи фақат яхши қўрган бандаларигагина муҳаббатдай буюк инъом тортиқ қилишини ўзгача нола ва қувонч торлари орқали ифода этади. Қайтариб бўлмас ҳаёт ўзани фарзандларимиз тақдирини акс садо беришини, қандай амаллар қилсанг увору савоби шундай бўлиши ҳақида мушоҳада этишга ундайди.

Шоирнинг қуйма ёмби каби дилтортар шеърларини ўқиркансиз, ялтироқ, жимжимадор сўзлардан, фақат шахсий кечинмалар, тор фикрлардан қочиб, элу юртга, миллатга, Ватанга, инсониятга қандай наф келтира олдим, халқим учун нима қилдим, деган савол ҳар бир инсоннинг кўнглидан ўтмоғи кераклигини аёнлашди.

*Мен дунёни нима қилдим,
Ўзинг жону жаҳоним,
Ўзим ҳоқон,
Ўзим султон,
Сен тахми Сулаймоним,
Элеизим,
Ягонам дейми,
Топаган қошаюм дейми,
Ўзинг менинг улуглардан
Улуғимсан Ватаним!*

Бу бетакор сатрлар орқали бошинг қўқда бўлса ҳам илдизларинг ер бағрига маҳкам қадалган чинорсан, юрагимга қадаб қўйган туморимсан, шунча буюкларинг, улугларингни санадим, лекин ҳаммасидан энг улугим, ўзинг беминнатим, Ўзбекистоним, дея боласидек аркалаб айтиди. Ардоқли шоиримиз “Юрагининг Олампаноҳи” бўлган муқаддас Ўзбекистонни ўзгача жонфидолик, буюк садоқат билан таърифлайди.

Айниқса, “Ҳар балони кўриб ёруғ дунёда, Тошканин кўрмаган бечора онам”, “Кимда ҳам кўп бўлса, у менинг онам”, “Римни олишмасан бедапоянга”, “Ғичир-ғичир тишимдаги сўлимимсан, Ватаним”, “Капалаклар одамлардан меҳрибон”, “Туғилмаган қўшқиларим, сиздан узр”, “Бош қолмади дўппига лойик”, “Икки елка тўла бир дунё гуноҳ” сатрлари юзингизни силанган беминнат қуёш нуридек юрагингизга таниш ва қадрдон.

Шоирнинг “Таниш тераклар”, “Булбулга бир

гапим бор”, “Илтижо”, “Уйқудаги қиз”, “Ҳалима эна аллалари”, “Ишқ кemasи”, “Кўнглимда бир ёр”, “Бевафо кўп экан”, “Эрка кийик”, “Сайланма”, “Биз бахтли бўламиз”, “Осмонимга олиб кетаман”, “Улуғимсан, Ватаним” сингари шеърини тўпламлари, “Кўҳна қудук”, “Қора қуёш” дostonлари етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган юртдошларимизнинг қўлидан тушмай ўқилаётгани эса шоир юраги она халқи тилида қуйлаганлигидан далолатдир.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов “Шоир бўлиш оғир. Шоир бўлиш қийин бундай буюкларнинг қаҳшонида”, деб ёзган эди. Шоирнинг Адиблар хиёбонида қад кўтарган ҳайкали пойида мана шу нодир ўхшатиш ҳаёлимдан ўтди. Муҳаммад Юсуф бир кун келиб, жаннати фирдавсмондан бот ташкил қилиниши ва аллома адиблар, устозлари қаторида уларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлишини билгандек ҳазрат Алишер Навоийни, беназир Заҳриддин Муҳаммад Бобурни бундай тасвирлайди:

*Икки буюк шоир, икки мусофир,
Навоий Ҳиротда, Кобулда Бобур.
Сизни ўйлатмасми бу жумбоқ, бу сир
Навоий Ҳиротда, Кобулда Бобур.
Икки буюк ҳикмат, икки хуш забон,
Икки буюк дилдан йўқдир садо бир.
Биз ганимга бежанг
топишган кўрган —
Навоий Ҳиротда, Кобулда Бобур.*

Мумтоз адабиётимизнинг икки зарбадast юлдузининг жаннатмакон бoғда миллат истиқболи, юрт иқболи борасидаги бебаҳо ижодий мерослари йўлчиоқ сингари келажак манзилларини ёритиб туришиға ишора беради.

Фалакиёт илмининг етук бўлидони, умумий ҳукмдор Мирзо Улуғбекнинг ту фарзанди томонидан қатл этилгани шоир юрагини тилқалайди, оғриқларининг акс садоси дунёларни йиғлатади:

*Самарқандға борсам мен агар
Улуғбекни кўриб қайтаман.
У қон йиғлаб турар ҳар сафар
Мен дардимни кимга айтаман?*

Суҳбатларидан бирида шоир айнан мана шу шеърини онаси Энаҳон ая ниҳоятда яхши кўришини меҳр билан тасвирлаб берганди.

Кейинги икки-уч йил ичида Тошкент мисли кўрилмаган тарзда ўзгариб кетгани, қатор-қатор ҳашаматли уйлар, қарогон кўприклар, сайилгоҳу хиёбонлар инсон иродаси, инсон қўли мўъжизалар яратишга қодир эканини кўрсатиб беради.

Адиблар хиёбонида улуг сўз заргарлари билан бақамти турган Муҳаммад Юсуф Тошкент кўчалари, пойтахт кучогини аввалдан билиб тасвирлагандай, бош кентимизнинг ҳар бир кўчасида, ҳар бир япроғида Қодирининг уйчан руҳи борлигини, устоз Ойбекнинг нигоҳи боқиб турганини ёдингизга солади:


*Анҳор бўйларида қумрилар ўйнар,
Шоир Ғафур Ғулом қумрилар.
Икки минг йил аввал Сағбонни излаб,
Ҳиндистонни ташлаб келган қумрилар.*

Ҳазрати Бедил “Ҳақиқий шеърят ўзига ҳос бир оламдир, у учинчи дунёдир”, деганида ҳаммага бир хилда ёқадиган, элнинг байраммо ташвишида бирдай оғиздан тушмай келадиған барҳаёт шеърятини назарда тутган бўлса керак. Муҳаммад Юсуфнинг шеърятини ўзанига симаган дарё сингари, ҳарфу сатрларга симаган бекиёс маъно ва тафаккур чашмаларидир.

Орифлару дошлару юрти Ўзбекистон нафасини, эл меҳру дардини катта-катта ўзбекча ҳарфлар билан ҳар бир ўзбекистонликнинг юрагига ёзиб қўйган булбулнафас шоир:

*Ер айланар, ер айланар, ер югуриб тинмайди,
Яктагининг энгларидан
тер югуриб тинмайди,
Қўлинг тегмай бу дунёда битта гиёҳ унмайди,
Тин билмаган жоним менде,
бободехқоним менинг,*

деган сатрларини ҳали сиёҳи қуримаган ҳолда, ўзининг анжанча талаффузида ўқиб берганида, бутун дунёга дастурхон солишга тайёр меҳмондўст халқнинг ҳосилу хирмонлари хорижлик меҳмонлар ҳавасини келтиришини айтганида, қуёшдан аввал уйғонадиган, ҳалол ризқ билан фарзандлари қалбида она тупроққа ҳавас уйғотадиган элдошларимиз, бободехқонларимиз кўз ўнгимизда намоён бўлади.



Шоирнинг рафиқаси шоира Назира ас-Салом Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қўлидан Муҳаммад Юсуфнинг “Фидокорона хизматлари учун” орденини қабул қилиб олганида дарёдил, бетакор шоирнинг юртига меҳри ва муҳаббати қолганини, халқ меҳр куйчисини, қадр куйчисини, миллат куйчисини ҳаммаша ардоқлаб яшашини ҳис қиларкан, кўзда ёш билан бўрт сатрни такрорладилар:

*Майли-да кимгадир ёқса, ёқмаса,
Уларга қўшилиб қуйлашармидик.
Биз бахтли бўламиз Худо ҳоқласа —
Худо ҳоқламаса учрашармидик?*

Бир суҳбатда Самарқанднинг қуёшнуса обинони, Зарметанининг қатиги, Паркент узумлари, Бахмал олмалари, Қўқон ҳолвалари ҳақида гап кетганда ўрнидан тура солиб “Бизда бори қайда бор?” деб болаларча ҳайқиргани, бир муддатдан сўнг ана шу шеърини яйраб ўқигани умрбод ёдимиздан чиқмайдиган маърифий дарс бўлган экан ўшанда.

Шоирнинг рафиқаси шоира Назира ас-Салом Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қўлидан Муҳаммад Юсуфнинг “Фидокорона хизматлари учун” орденини қабул қилиб олганида дарёдил, бетакор шоирнинг юртига меҳри ва муҳаббати қолганини, халқ меҳр куйчисини, қадр куйчисини, миллат куйчисини ҳаммаша ардоқлаб яшашини ҳис қиларкан, кўзда ёш билан бўрт сатрни такрорладилар:

*Майли-да кимгадир ёқса, ёқмаса,
Уларга қўшилиб қуйлашармидик.
Биз бахтли бўламиз Худо ҳоқласа —
Худо ҳоқламаса учрашармидик?*

Муҳаммад Юсуф ҳақида сўз борганда атоқли адабиётшунос, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарофидиновнинг қўйдаги сатрларини эсламаслик мумкин эмас:

“Муҳаммаджоннинг Худо берган қобилият эгаси эканига ўзим гувоҳ бўлганман. Бир даврада Чўлпоннинг “Қўқлам” шеъри тўғрисида гап борди. У менинг таърифимдан таъсирланиб кетдим, ичкарига кириб кетди-да, 10-15 дақиқа вақт ўтиб, қўлимга шеърини тутқазди ва уни менга бағишлаганини айтди. Шеърни ўқиб, кўзимдан ёш чиқиб кетганди ўшанда”. Худди

шу шеърни қўшиқ қилиб қуйлаган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғиёс Бойтеев шоир шеърлари халқона оҳани ўзи билан келадиған сатрлардан иборат эканини, “Онам йиғлар...”, “Муҳаббат йўқ экан дунёда” номли қўшиқлари мусиқасини яратишда шоирнинг ўзи у билан бирга турганини алоҳида ёътироф этади.

Давлатимиз раҳбарининг Адиблар хиёбонида адабиёт ва маърифат ҳақида қуюниб гапиргани, эл суйган адиблар ва шоирларнинг ижодини тарғиб қилишни қатор олийгоҳ жамоалари учун шарофли вазифа қилиб қўйгани биз, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессор-ўқитувчилари, талабалари учун ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Суюкли шоиримиз руҳини шод этиш борасидаги ишларни иқтидорли талабаларимиз билан бирга олиб бораёلمиз. Хусусан, “Муҳаммад Юсуф — Ватан куйчиси” деб номланган қисқа метражли фильм суратга олинмоқда. Шоир дostonлари асосида таниқли саҳна усталари ва уларнинг талаба шогирдлари иштирокидаги янги-янги саҳна асарлари ҳамда асарлари таҳлили ва тарғиботи бўйича илмий-назарий ишланмалар яратилади. Муҳаммад Юсуф шеърятини бўйича Адиблар хиёбонида мунтазам равишда очик дарслар ўтказаялмиз. Октябр ойида “Ёшларнинг маънавий оламини юксалтириш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Муҳаммад Юсуф ижодининг ўрни” мавзусида республика илмий-амалий конференциясига тайёргарлик қўриляпти. Келгуси йили эса шоирнинг таваллуд куни муносабати

билан унинг ҳаёти ва ижодиға бағишланган “Муҳаммад Юсуф — Ватан ва муҳаббат куйчиси” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ўтказишни режалаштирганмиз. Туркиянинг нуфузли нашрларидан бири — “Қардош адабиётлар” журналининг бир сонини шоир хотирасига бағишлаш ҳамда Муҳаммад Юсуф номидаги стипендиянинг таъсис этилиши саъй-ҳаракатларимизнинг амалдаги исботи бўлади.

Ватандан ташқарида Ватан йўқ, Ўзбекистондан ташқарида Ўзбекистон йўқ, биз фақат шу юртга, шу элга керакмиз. Отаимиздан қолган Ватанин болаимизга соғу омон қолдирмоғимиз керак, зиммамиздаги масъулият шу.

Ҳар гал маҳорат дарсларининг охирида айт-тар сўзини дона-доналаб, тизим-тизимлаб халқига тақдим этган дўстим Муҳаммад Юсуфнинг ҳайкали пойида туриб, ушбу сатрларни унинг мухлисларига баён этаман:

*Кўкламоий нуриға ўхшаб,
Майсаларнинг сирига ўхшаб,
Бугдой исли шеърига ўхшаб,
Муҳаммаджон бир келиб кетди.
Дехқон эла меҳри беқиёс,
Эркалиги бир ўзига хос,
Капалаклар, тингланг, илтимос,
Муҳаммаджон бир келиб кетди.
Кўнглим — менинг тоза дафтарим,
Дўстим, Сизсиз бир чети ярим,
Бу не азоб, биродарларим,
Муҳаммаджон бир келиб кетди...*

Тақдимот



“Давлат тилида иш юритиш” қўлланмаси “O‘zbekiston pashgiyoti” давлат унитар корхонасида 3 минг нусхада нашр қилинган. Кітоб 4 бoб, 528 саҳифадан иборат бўлиб, у, биринчи навбатда, ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари, бошқарув фаолиятида бевосита ҳужжат устиди ишловчилар, котиб-референтлар, кадрлар бўлими ходимларига мўлжалланган. Ундан ҳисобчилар, адлия маслаҳатчилари, аудитор, менежерлар ҳам фойдаланиши мумкин.

Муроджон Аминов (марҳум), Абдуваҳоб Мадвалиев, Неъмат Маҳкамов, Низомиддин Маҳмудов, Ёрқинжон

ДАВЛАТ ТИЛИДА ТЎҒРИ ИШ ЮРИТИШ

тилимиз нуфузини оширишга хизмат қилади

Муножат МҶМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти билан ҳамкорликда байрамга муносиб совға тариқасида “Давлат тилида иш юритиш” қўлланмасининг қайта ишланган ва тўлдирилган нашрини чоп этди. Мазкур китобнинг тақдимоти Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бўлиб ўтди.

Одилов муаллифлигида нашрга тайёрланган мазкур қўлланмада ташкилот ва муассасаларнинг иш юритиш фаолиятида энг кўп қўлланадиган ҳужжатлар ва уларни тузиш тартиб-қоидалари масалаларига урғу берилган. Мазкур ҳужжатлар тегишли намуналар билан кўрсатилиб, иш юритишга оид лугатлар киритилган. Шунингдек, қўлланма Адлия, Ички ишлар, Бандлик ва меҳнат

муносабатлари вазирликлари, Ўзархив агентлиги хулосалари асосида бугунги кун талабларига мувофиқ такомиллаштирилди.

Тақдимотда сўзга чиққан адабиётшунос Шухрат Ризаев ушбу китобнинг нашр этилишини тилимизнинг тикланиши, тараққиёти йўлидаги дадил қадам, дея таъкидлади.



Тилимизнинг нуфузини ошириш учун, аввало, давлат тилида тўғри иш юритишни йўлга қўйиш, бу борадаги фаолиятни бир қилипга солишга эришиш лозим. Шу маънода ҳам мазкур қўлланма барча ташкилот, корхона ва идоралар учун зарурлиги билан аҳамиятлидир. Бундан ташқари, китобдан умумтаълим мактабларида ўқувчи ёшларга расмий-идоравий услубни ўргатишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шунинг учун китобни лотин ёзувида ҳам чоп этиш режалаштирилган.

Қўлланма республикадаги давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига бепул тарқатилади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақидиланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Аxbopот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 22311.

42311 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй. Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Навбатчи муҳаррир: Бекқул Эгамқулов
Мусахҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 22:25 Топширилди — 23:05